БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 183 (18.361). • Сешанба, 1982 йил 10 август • Баҳоси 3 тийин.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхозида барча терим агрегатлари тайёрлаб қўйилди. Бу йил 7 минг тонна пахта машиналар билан териб олинади. Хўжалик пахтакорлари бу йил республикамизнинг улкан хирмонига 11,5 минг тонна «оқ олтин» билан ҳисса қўшадилар. Суратда: хизмат кўрсатган механизатор, коммунист Юсуфжон Назаров, У ўз «зангори кема»си бункеридан бу йилги мавсумда 300 тонна пахта теришга аҳд қилган.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

ЮКСАК ХИРМОН

Мамлакатимизнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил курашяпмиз. Маккажўхоридан рекорд ҳосил етиштиришни шарафли бурчимиз деб билмоқдамиз.

Комсомол-ёшларимиз меҳнати билан «дала маликаси»дан юқори ҳосил етиштирдик. Ўрим-йиғимни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказдик. Бугун меҳнатимизнинг дастлабки меваларини кўриб қувонмоқдамиз. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 120 центнердан «каҳрабо дон» хирмони кўтариб, юксак социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажардик. Шунингдек, ҳар гектар ердан 400 центнердан зиёд поя йиғиштириб олиб, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшдик.

Маккажўхори ўрим-йиғими кунларида комбайнчи ва тракторчилардан Ў. Остонақулов, А. Маҳмудов, У. Норқулов ўртоқлар фидокорлик намунасини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Улар кунлик топшириқларини икки ҳиссага етказиб бажардилар.

Дастлабки муваффақият қўлга киритилди. Лекин бу билан чекланиб қолмаймиз. СССРнинг Озиқ-овқат программаси асосида маккажўхори дони етиштиришни бундан кейин ҳам жадал суръатлар билан ривожлантирамиз. Такрор экинлардан ҳам юқори ҳосил оламиз. Келаси йили «дала маликаси»дан бундан ҳам катта хирмон кўтариш учун экин майдонларини ўгитлаб, сифатли шудгорлаб қўямиз. Агротехниканинг бошқа тадбирларини ҳам изчиллик билан амалга оширамиз.

Асрор МАМАДРАИМОВ,
Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.

ПАРТИЯ ҲАЁТИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Республикамиз партия группалари, цех ва камсонли бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланмоқда. Бу йилги ҳисобот ва сайловларнинг ўзига хос алоҳида хусусияти шундаки, партия қўйи звеносининг бу йиллик энг катта йиғилишлари СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги муносабати билан меҳнат коллективларида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари, СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ ҳаракати қизғин тус олган бир вазиятда ўтмоқда.

Партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бажарилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун иштиқболга кенг назар ташланмоқда. Ҳисобот даври КПСС XXVI съезди қарорларини, партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида илгари сурилган вазифаларни бажариш йўлида қизғин иш олиб борилган давр бўлди. Партия ташкилотларининг кенг қўламли сиёсий-ташкилотчилик ишлари туфайли ўн биринчи беш йилликнинг иқтисодий ва социал вазифалари муваффақиятли бажарилмоқда. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш халқ хўжалигида катта сифат ўзгаришларига эришилишига олиб келмоқда. Партия комитетлари қўйи бўғин фаолияти жанговарлигини, хўжалик, маданий қурилиш вазифаларини, янги инсонни камол топтириш проблемаларини ҳал этишда унинг ролини кучайтириш чораларини кўраётирлар. Табиийки, бу тадбирлар меҳнат коллективлари сиёсий негизини янада мустаҳкамлади.

Вақтдан ўзиб, қолоқларсиз ишлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақа, «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракати кенг қулоч ёйганлиги кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий ишларидаги изчиллик натижасидир. «Коллективлардаги маънавий-психологик иқлим, уюшқоқлик ва интизом даражаси, меҳнатнинг самараси ва, бинобарин, пировард натижалар ҳам уларнинг фаолиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида қилган докладида бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти масалаларига тўхталиб. — Партия ташкилотлари ўз куч-ғайратларини энг асосий масалага сарфлашлари муҳимдир. Энг муҳими эса — одамлар билан ишлашдир». Кўриниб турибдики, коммунистик қурилишнинг энг олдинги маррасида, бевосита одамлар билан ишлаб, тарбиянинг комплекслилигини таъминлашда қўйи бўғин роли ошиб бормоқда.

Косонсой район партия комитети партия ташкилотларида ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларига атрофлича тайёргарлик кўраётир. Энг муҳими, коммунистлар ўтган йиғилишларда билдирган танқидий фикр ва мулоҳазалар юзасидан амалга оширилган ишлар умумлаштирилиб, жойлардаги партиявий-сиёсий иш савияси пухта ўрганилмоқда. Тайёргарлик ишларига активнинг кенг қатлами жалб этилди. Буларнинг ҳаммаси партиялилар оммасининг ишни янада яхшилашга қаратилган фикрларини ўрганиб чиқиш, жамоат ташкилотлари ишини кучайтириш, коммунистларнинг авангардлигини янада ошириш имкониятини яратмоқда.

Нефть ва газ конлари геологияси ва уни разведка қилиш илмий-тадқиқот институти бошланғич партия ташкилотида ҳам йиллнинг бош йиғилишига атрофлича ҳозирлик кўрилмоқда. Маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини изчил амалга ошириш партия бюросига илмий-тадқиқотларнинг юксак самарадорлигини таъминлаш имконини бермоқда. Шуни айтиш кифояки, бу ерда илмий-тадқиқотлар учун сарфланаётган ҳар бир сўм олти баробар кўп фойда келтираётир. Бунда коммунистларнинг авангардлиги, илмий изланишлар ва мураккаб проблематик ечимларни ишлаб чиқишдаги ижодий активлиги ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Тошкент шаҳри, Андижон области, Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина партия ташкилотларида ҳам ҳисобот-сайловларни ўюшқоқлик билан ўтказиш чоралари кўрилаётир.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тасдиқлаган СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга дахлдор бўлмаган бошланғич партия ташкилоти йўқ. Бинобарин, ҳисобот-сайлов йиғилишларида агросаноат комплексини бир маромда ривожлантиришни кўзлаб, «Ўроқ ва Болға» иттифоқини янада мустаҳкамлаш, қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш, ёрдамчи хўжаликлар самарадорлигини ошириш, умуман, озиқ-овқат конвейери ишини муттасил яхшилаб бориш масалалари партиявий талабчанлик ва принципиаллик билан қараб чиқилмоқи даркор. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришни яна ҳам чуқурлаштириш, чорва комплекслари қурилиши ва янги қувватларни ўзлаштиришни тезлаштиришда партия группалари, цех, бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва роли аниқ-равшан белгилаб олинмоғи лозим.

Кўпгина меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга, планларни муддатидан илгари бажаришга қаратилган ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар. Бу умумхалқ ҳаракати юзлаб, минглаб издошлар орттирди, резервларни ишга солиб, меҳнат унумдорлигини оширишда катта аҳамият касб этди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида социалистик мажбуриятлар, муқобил планларни бажаришнинг бориши таҳлил қилиниши, бутун кучни белгиланган марраларни эгаллашга сафарбар этиш учун қўшимча тадбирлар белгилаб олиниши даркор. Хом ашё, энергетика ва ёқилғи ресурсларини тежаш, кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот олиш коммунистларнинг диққат марказида турмоғи лозим.

Шуни унутмаслик керакки, партиянинг кучи коммунистларнинг активлиги, ташаббускорлиги, авангардлигидадир. Бинобарин, ҳисоботлар ўртоқларча ошкора, холис фикр олишувга айлантирилмоғи, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳар томонлама қараб чиқилмоғи даркор. Коммунистлар ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирадиган танқидий фикр-мулоҳазалар коллективнинг бутун ҳаётига, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга партиявий таъсир кўрсатишнинг, резервларни тобора тўла ишга солишнинг, бошқаруви такомиллаштириш ва мусобақанинг оммавийлигига эришишнинг бебаҳо чашмаларидир. Бу фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириш, улар юзасидан кўриладиган чора ва тадбирларни конкрет белгилаб олиш партия бюролари ва комитетларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари муваффақиятли ўтиши коммунистларнинг амалий активлигига боғлиқ. Улар коллективдаги ишнинг аҳволини талабчанлик билан, принципиал муҳокама қилишларига эришиш айниқса муҳимдир. Партия қўйи звеносининг сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий ишини яхшилаш, юксак пировард натижалар учун кадрларнинг масъулиятини ошириш, ҳар бир меҳнатчи, халқ зиёлиси шахсий ташаббус ва активлик кўрсатиб меҳнат қилишга эришишда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришнинг аҳамияти беқиёс. Камчиликларни ошкора тилга олиш, уларнинг сабабларини очиқ-ойдин кўрсатиб, бартараф этиш йўлларини аниқлаб олишда ҳисобот-сайловлардан оқилона фойдаланиш лозим.

Бу галги ҳисобот ва сайлов йиғилишлари шонли сана — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейига тайёргарлик авж олиб кетган бир вазиятда ўтмоқда. Шу боис йиғилишларда ягона қардошлик оиласида совет кишилари эришган ва эришаётган ютуқларни сарҳисоб қилиш, КПСС XXVI съезди қарорлари ва СССРнинг Озиқ-овқат программаси асосида партия қўйи ячейкалари фаолиятининг яқин келажакдаги йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олиш ғоятда муҳим. Коммунистлар тараққиётимиз истиқболга ленинча донишмандлик билан назар ташлаб, етук социализм ғалабаларини янада кўпайтириш, ўнгалиш ва маданий қурилишда янги-янги довонларга кўтарилиш учун совет халқи олиб бораётган фидокорона ишларнинг олдинги сафларида бораверишларида, бутун партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар янги поғонага кўтарилишида бу галги ҳисобот-сайлов йиғилишлари катта ўрин тутажагига шак-шубҳа йўқ.

СССР 60 ЮБИЛЕЙГА! ЗАФАРЛАРИМИЗ

Дон — бойлигимиз

КОСМОНАВТНИНГ ҚУТЛОВИ

Қумқўрғон районидаги Ғафур Ғулом номли совхознинг Зиёмурод Бойбўлов бошлиқ бригадаси далаларидан «каҳрабо дон» ортилган сўнгги темирйўл эшелонига хирмонга жўнатилди. Ёш маккажўхорикорлар рекорд кўрсаткичга эришдилар. Эллик гектар майдоннинг ҳар гектаридан 115 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу — планда кўзда тутилганидан ўн беш центнер кўпдир. Бригадада айни вақтда ҳар гектар майдондан 360 центнердан поя йиғиштириб олинди. Ҳосил атиги тўрт иш кунида саранжомланди. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Пётр Климук ёш маккажўхорикорларни меҳнат ғалабаси билан самимий қутлади.

Хўжалик механизаторлари икки минг гектар майдондаги «каҳрабо дон» ҳосилини йиғиштириб олишлари лозим. Яхши ташкил қилинган ўрим-йиғим конвейери, механизаторларнинг смена бўлиб ишлаши бир кунда икки юз гектар майдондаги маккажўхори сўтасини йиғиштириб олиш ва поясини саранжомлаш имконини бермоқда.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда силос учун экилган маккажўхорини ўриш қизғин давом этмоқда. Мулкўл ем-хашак жамғариш ишларида фидокорона меҳнат қилаётганлар ўримда сифатга алоҳида эътибор беришаётир. Маккажўхори жуда ҳам тозалаб ўрилмоқда. Ҳар куни 300 тонна силос бостирилаётир. Колхозда бу йил 2480 тонна силос тайёрланади. Суратда: Соли Қосимов бригадасида ўрим пайти.

А. Тўраев фотоси.

БИНОКОРЛАРНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИ

Ўзбекистон жамоатчилиги бинокорлар кунини нишонлади. Энг тинч касб меҳнатчилари ўз профессионал байрамини янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Бир қанча йирик саноат объектлари ишга туширилди, кўпгина шаҳар ва қишлоқларда болалар боғчалари ва мактаблар қурилди, минглаб оилалар шинам квартираларга кўчиб кирдилар. Бинокорлар Озиқ-овқат программасини амалга ошира бориб, Жиззах, Қарши ва Сурхон-Шеробод даштларида канал ва ариқлар қазимоқдалар, қўриқ ерларда посёлкалар ва чорвачилик комплексларини барпо этмоқдалар. Ўз интернационал бурчига содиқ бўлган Ўзбекистон вакиллари Россиянинг Ноқоратупроқ зонасини, Ғарбий Сибирнинг ер ости бойликларини ўзлаштиришда, асримиз магистрали — БАМни қуришда ёрдам бермоқдалар.

Бинокорлар кунига бағишланиб Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида қурилиш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш йўллари тўғрисида гапирилди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев иштирок этди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Франциянинг таниқли ёзувчиси Андре Стиль Ўзбекистон бўйлаб сафар қилмоқда. У Самарқанд ва Бухорода бўлди, ишчилар, колхозчилар, ижодкор зиёлиларнинг ҳаёти билан қизиқди. Меҳмон Тошкентда Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг иши билан танишди.

Андре Стиль 9 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

* * *

Ҳиндистонда чиқадиган «Нэшнл геральд» газетасининг бош редактори Хари Жайсинг Совет Ўзбекистони ҳаёти билан танишди. Меҳмон Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди. Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга, Тошкент тўқимачилик комбинатига ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига, Ўзбекистон ССР Журналистлар союзига борди. (ЎзТАГ).

МУСОБАКА КУНДАЛИГИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР.

ПЕШҚАДАМЛАР

Маккажўхорикорлар мусобақасида Ленин йўли районидаги Будённий номли ва Қосим Раҳимов номли совхозлардан Нортожи Амиров ва Қалқон Суюнов бригадалари ўрнак кўрсатди. Ёш деҳқонлар мўл маккажўхори ҳосили етиштирдилар ва гектар бошига 119 центнердан дон олдилар. Ҳосил беш иш кунида йиғиштириб олинди. Ҳозир махсус майдонларда сўталар қуритилмоқда.

Илғор бригадаларнинг деҳқонлари энди силос учун экилган маккажўхори парваришини кучайтирмоқдалар.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Жарқўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Эргаш Оллобердиев бригадасининг маккажўхоризорларида ҳосил атиги уч кунда ўрилиб, сўталари йиғиштириб олинди. Олтмиш гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан сара дон олинди. Ўрим-йиғим звеносининг аниқ-пухта ишлаганлиги мўл ҳосилни шу қадар қисқа муддат ичида йиғиштириб олишга имкон берди.

Бригада аъзолари ҳозир сўталарни қуритиш ва силос бостириш билан банд. Одамларнинг бир қисми такрорий экин экиш учун далаларни ҳозирламоқда. Бригада аъзолари ишни барвақт тугаллаб, ўрим-йиғимда районнинг бошқа коллективларига ёрдам беришга аҳд қилишди.

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЯШНАМОКДА

Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг Малик Эшмуродов бошлиқ бригадаси маккажўхорикорлари ўрим-йиғимни тугалладилар. 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон» олинди. Айни пайтда бригада аъзолари гектаридан 400 центнердан поя олиб, силос бостирдилар.

Шу кунларда бригада далаларида бўлган кишининг кўзи барқ уриб ўсаётган майсаларга тушади. Такрорий экилган маккажўхори меҳр билан парвариш қилинмоқда.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

ДАЪВАТ

«Совет Ўзбекистони» мухбири билан суҳбатда Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози директори Қ. ХОЛМИРЗАЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

СССРнинг Озиқ-овқат программасига асосан республикамизда ўн йиллиқда мева ва резавор мева етиштириш тахминан, 1,8 баравар, узум етиштириш 3 баравар кўпайтирилиши, узумнинг хўраки ва кишмишбоп навларини етиштиришни кўпайтириш ва уни савдога етказиб бериш кучайтирилиши зарур. Бу улкан ва шарафли вазифани бажаришга бизнинг совхозларимиз коллективи ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга даъват этилгандир. Шуни айтишим керакки, хўжалигимизда маҳсулотлар етиштириш асосан уч йўналишда олиб борилярти.

Мева тайёрлашни кўпайтириш бош вазифамиз. Обиҳаво қийинчиликлари, сув танқислиги юз беришига қарамай боғбонларимиз ҳар қачонгидан кўп ва юқори сорт мева-чевалар етиштирдилар. Бу йил гектаридан камида 20 тоннадан ҳосил оламиз, жами 3.300 тонна мева-чева тайёрлашимиз керак. Шу кунгача давлат тайёрлов ташкилотларига 1500 тоннага яқин маҳсулот жўнатдик. Сорт юқори бўлярти.

Кунига 50 тонна мева-чева юборяпмиз. Эрта-индин бу кўрсаткични 65—70 тоннага чиқарамиз. Шундай қилиб, давлатга, юқорида тилга олинган 3.300 тонна ўрнига 4200 тонна аъло сифатли маҳсулот етказиб берамиз. Иш жараёнида бирор дона мева-чеванинг исроф ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун курашяпмиз.

Шу ўринда конкрет таклифларимизни ҳам айтиб ўтаман. Коллективимиз ва ёрдамчиларимиз астойдил меҳнат қилиб, мева-чевани ўз вақтида кўп йиғиб-терадилар. Лекин уни давлат ташкилотларига ташиб бериш учун транспорт воситалари етишмайди. Оқибатда маҳсулотнинг сифати бузилади, шираси оқиб кетади. Биздагина эмас, бошқа боғдорчилик-узумчилик хўжаликларида ҳам шундай аҳвол юз берярти.

Шу муносабат билан бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Боғдорчилик-узумчилик хўжаликларини завод-фабрикаларга биркитиб қўйилса яхши бўлар эди. Биз давлатга топшириладиган маҳсулотларни ўз транспортимиз билан етказиб бераميز. Ишчи-хизматчиларга етказиб бериладиган маҳсулотларни завод-фабрикаларнинг транспортида ташиб олиш ташкил қилинса, айни муддао бўларди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, савдо ташкилотлари планда белгиланган маҳсулотларни белгиланган вақтда ташиб олмаярти. Натижада магазинлар, дўконлар, лаларкларда мева-чева етишмасдан чайқовчиларнинг қўли баланд келяпти. Бундай кўринишларга қанча тез барҳам берилса, шунча яхши бўлади.

Қишга 1000 тонна мева ва узум сақлаймиз, қоқини кўпайтирамиз. Айтиш мумкинки, узумнинг барча сортидан рекорд ҳосил етиштирдик. Шу сабабли аввалги социалистик мажбуриятимизни қайта кўриб чиқиб, оширилган мажбурият қабул қилдик. Юбилей йилида пландаги 6100 тонна ўрнига 8000 тонна узум тайёрлаймиз. Яқин кунларда узум узишни оммавий равишда бошлаймиз. Шунга яраша тараддуд кўриб бўлинди. Хўжалигимиз бўйича ҳосилдорликни гектар ҳисобига 200 центнерга кўтарамиз. Ҳар куни тайёрлов ташкилотларига 500 тоннагача узум жўнатишни режалаб олдик. Бир сўз билан айтганда, узум етиштириш ва тайёрлашни бултургидан 2000 тонна кўпайтирамиз.

Лекин бу борада ҳам дахлдор ташкилотлар адресига айтадиган гапларимиз бор. Ҳар йили узум узиш пайтида яшиклар, яшик ясаладиган махсус тахтачалар, ҳатто михлар етишмайди. Бу сиртдан қаралганда «майда» нарсаларга ўхшайди. Лекин хилма-хил, ширин-шакар узумларни юқори сорт билан давлат тайёрлов ташкилотлари, истеъмолчиларга етказиб беришда бунинг аҳамияти каттадир. Бу йил ҳам айнан шундай кўнгилсиз воқеа такрорланяпти. Ўйлаймизки, яшиклар, тахтачалар, михлар етказиб бериш кафолатини олган ташкилотларнинг раҳбарлари овозимизга қулоқ соладилар, амалий ёрдам берадилар.

Хўжалигимизда Бойтўра Ўктамов, Қимматхон Аҳмедова, Евгений Белих каби уста соҳибкорлар етишиб чиқди. Улар ўзлари бошчилик қилаётган бригадаларда узум ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 250—260 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. Умринисо Улуғхўжаева, Ёқубой Муҳамедов, Юсуф Ёқубовлар бошлиқ бригадаларимизда эса мева ҳосилдорлигини 240 центнергача кўтариш мусобақаси қизитилярти.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, қиш фасли учун туршак, олмақоқи, мойиз ва бошқа хил қуруқ меваларни тайёрлашга алоҳида эътибор берямиз. Боғбон-соҳибкорларимиз қиш учун 1000 тонна мева ҳамда узум, қўллаб хилма-хил қоқилар тайёрлаш мажбуриятини олиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Чорва маҳсулотлари мўл-кўллиги йўлида. Хўжалигимизда чорвачилик шаҳдам ривожлантирилиб, маҳсулотлар тайёрлаш тобора кўпайтириляпти. Шу кунгача пландаги 43 тонна ўрнига 50 тонна гўшт тайёрлаб, йиллик планни ортиғи билан бажардик. Йиллик 600 тонна сут етиштириш топшириғи ҳозиргача 378 тонна ado этилди. Йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун барча имкониятларга эгамиз. Шу йилнинг ўтган ойларида ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 505 килограммга етказиб гўштга топширдик. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қариб 40 килограмм кўп демакдир. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут бултургидан 120 килограмм кўпайтирилади ва 3600 килограммни ташкил этади. Давлатга сут топшириш планини ортиғи билан бажарамиз. Ҳалима Турғунбоева, ҳар бош сигирдан 4000 килограммдан сут соғиб олиш ташаббуси билан майдонга чиқди.

Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш чораларини кўряпмиз. Сенаж бостириш топшириғи 102 процент адо этилди. Силос ва дағал хашак тайёрлаш жадаллик билан олиб борилярти. Қўқон жўхоридан, айниқса, юқори ҳосил олинмоқда.

Бу мисолларни тилга олиш билан демоқчимизки, СССРнинг Озиқ-овқат программасига мувофиқ 1990 йилгача бўлган даврда хўжалигимиз бўйича мева етиштиришни 2 баравар, узум тайёрлашни кескин кўпайтириш, айниқса, чорва маҳсулотлари мўл-кўллигини бунёдга келтиришга мустаҳкам замин яратяпмиз. Шу кунгача умумиттифоқ фондига 750 тонна аъло навли маҳсулотлар топширган бўлсак, бу рақамни камида 2000 тоннага етказамиз.

Белгиланган режаларимизни амалга ошириш анча қийинлигини яхши тушунамиз. Ишимизда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин астойдил ҳаракат қилсак, қийинчиликларни енгиб, белгиланган планлар ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришимиз мумкин ва лозим. СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллиги шарафига қизғин давом этаётган социалистик мусобақани янада авж олдириб, қутлуғ байрамни мунсиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.

АДРЕСИМИЗ — СОВЕТ ИТТИФОҚИ

Ойлик ижтимоий-сиёсий «Советский Союз» журналининг саккизинчи сони босилиб чиқди. У СССРнинг 60 йиллигига бағишланган.

Журнал КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненконинг «Совет халқлари бузилмас иттифоқи» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигини эълон қилган Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди, унинг делегатлари тўғрисидаги, СССР Гербининг яратилиши ҳақидаги материаллар берилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Ўйғонган қучлар» сарлавҳали мақоласида СССР халқлари оиласида Ўзбекистоннинг тақдири, республикаларнинг бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилинади.

Совет ташқи сиёсати тўғрисидаги материаллар подборкаси «Халқлар тинчлиги ва ҳаёсин!» деб аталади.

Журнал планетадаги бир қанча таниқли давлат арбоблари ва жамоат арбобларига мурожаат қилиб, «СССРда миллий масаланинг ҳал этилиш тажрибасига ҳамда халқлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳозирги проблемаларни ҳал этиш учун шу тажрибанинг аҳамиятига қандай баҳо берасиз?», деган савол берган. Мана шу саволга қайтарилган жавоблар эълон қилинган.

Журнал сонида берилган «Советлар мамлакати» материаллари ҳар бир иттифоқдош республиканинг ҳаётидаги диққатга сазовор фактлар тўғрисида ҳикоя қилади. Журнал саҳифаларида бошқа турли материаллар ҳам берилган. (ТАСС).

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

МОСКВА — КОСМОС — ГУЛИСТОН

Гулистонда Ер сунъий йўлдошлари орқали телевизион алоқа ўрнатувчи станция ишлай бошлади. Энди Сирдарё ва Жиззах областларининг аҳолиси пойтахтдан космос орқали юборилган тасвирни ўз телевизорларида кўрмоқдалар. «Орбита-IV» программасини қабул қилиш билан бир маҳалда Бутуниттифоқ иккинчи ва республика иккинчи программаларини тажриба тариқасида кўрсатиш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Ўзбекистон Алоқа министрлигидан маълум қилишларича, ҳозир республиканинг яна бир қанча районларида космос орқали телевизион программаларни қабул қилдирувчи шундай станциялар ўрнатилмоқда. Зарафшон шаҳри «космик телекўприк»ли бўлди. Навбатда Нукус турибди. (ЎзТАГ).

ЕТУКЛИККА ИМТИҲОН

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Республикамизда партия группалари, цех ва камсонли бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланмоқда. Бу йиғилишларда ташкилотларнинг ўтган бир йиллик фаолияти атрофлича таҳлил қилиниб, коммунистларнинг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришдаги самарали фаолияти муҳокамадан ўтказилади. Ҳар бир коммунистнинг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришдаги шахсий иштироки, уларнинг СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишдаги активлиги ва ташаббускорлиги, умуман, қўйи партия ячейкаларининг жанговарлигини ошириш масалалари ҳисобот-сайловларнинг актual мавзуларидир. Қўйи партия ташкилотлари бу ўзига хос имтиҳонга пухта ҳозирлик ва юксак талабчанлик билан келмоқдалар. Қўйида республика Геология министрлигига қарашли Нефть ва газ конлари геологияси ва уни разведка қилиш илмий-тадқиқот институти бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот давридаги фаолияти, коммунистларнинг танқидий фикр ва мулоҳазаларини амалга ошириш соҳасидаги иш тажрибаси ҳақидаги материални эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ҳамманинг ёдида: институт партия ташкилотининг ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилиши коммунистларнинг юксак активлиги, ижодий изланиш, танқид ва талабчанлик руҳида ўтган эди. Унга ташкилот аъзоларининг деярли ҳаммаси беками кўст тўпланди. Йиғилиш қатнашчилари муҳокама давомида тилга олинган масалаларнинг аксарияти ҳақида алоҳида қизиқиш ва масъулият билан сўз юритдилар. Нотиқларнинг фикр ва мулоҳазалари, масала ва муаммолар ҳақида жон куйдириб гапиришларидан партия ташкилоти фаолиятига ўзларининг жонажон ишлари сифатида муносабатда бўлаётганликлари яққол сезилиб турди. Энг муҳими, партбюро ҳисоботи юзасидан изчил, атрофлича таҳлил юритилди, актual масалалар хусусидаги мулоҳазаларда принципиаллик сезилиб турди.

— Кейинги вақтда институтимиз фаолияти кўлами ниҳоятда кенгайди. Экспедиция группалари республикамизнинг ҳамма чеккаларида қизғин илмий иш олиб бормоқда. Уларни Қорақалпоғистон автоном республикаси ва Бухоро областидаги Сўнгсиз чўл ва даштларда, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг чекка районларида, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё областларида учратиш мумкин. Бевосита илмий иш билан шуғулланаётган 300 дан ортиқ мутахассис хизмат тақозоси билан тез-тез дала ва даштларга чиқиб ишлаши табиий. Аммо афсуски, ана шу хайрли ишларни ташкил этишда транспорт хизматини йўлга қўйиш масаласи муаммо бўлиб турибди. Институт учун машина ажратишга етарли эътибор берилмаётир. Мавжудлари ҳам эҳтиёжни қондиришга камлик қилмоқда. Бу жойларда юксак иш маромини таъминлаш, экспедиция уюштиришда оқсашлар юз беришига сабаб бўлаётир. Партия ташкилоти аҳволни яхшилашда маъмурият билан биргаликда ўз таъсир кучидан фойдаланиши керак.

Коммунист Шавкат Саидҳўжаевнинг бу фикри кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган эди. Йиғилиш қатнашчиларининг юрагидаги бу гаплар қарорда акс эттирилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейиноқ институт коммунистларининг фикри министрликка ҳавола этилди. Партия ташкилоти маъмурият билан бамаслаҳат шу ҳақда тегишли ташкилотларга хат билан мурожаат қилди. Кўпчиликнинг иродаси ижобий равишда ўз ифодасини топди. Илмий-текшириш институтига ҳар хил шароитда юра оладиган тўртта юк машинаси ажратилди. Илмий ишларнинг амалиёт билан боғланишини таъминлашда қўшимча енгиллик туғилди. Табиий шароити оғир жойларга экспедиция уюштириш анча осонлашди.

Ёки бошқа бир мисол. Зиммасидаги вазифани доимо сидқидилдан ado этадиган жонкуяр коммунист, лаборатория мудири Матлаб Туробов партия йиғилишида қизиқарли таклиф билан чиқди.

— Олимлар яратган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш институтимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишидир. Қилаётган меҳнатимизнинг охир-оқибатдаги самараси унинг қўлланилиши билан белгиланади. Шундай экан, илмий ишларни «парвозга» тайёрлаш биз учун ниҳоятда муҳим вазифа. Ана шу нуқтан назардан келиб чиқадиган бўлсак, жамоатчилик асосида материалларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тайёрловчи махсус группа тузилса маъқул бўлар эди.

Бу фикр коммунистларнинг эътиборини қозонди. Илгари фақат илмий иш авторларининг «ташвиши» бўлган бу масалага коммунистларнинг, жамоатчиликнинг актив кўмаги ва таъсирини уюштириш фикри кўпчиликда яхши таассурот қолдириши табиий эди.

Масала институт маъмурияти олдига қўйилди. Институт илмий котиби С. Штрафун етакчилик қилаётган бу группа ҳозир фаол иш олиб бормоқда. Янгиликлар синовдан ўтказилиб, барча зарур ҳужжатлар тайёрланган ҳолда ишлаб чиқаришга узатилмоқда.

Меҳнат коллективларида маънавий муҳит, қайфият, қолаверса, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кўп жиҳатдан коммунистларнинг қандай меҳнат қилаётганлигига боғлиқ. Институт партия бюроси ўз фаолиятида ана шу ҳулосага амал қилган ҳолда иш олиб бормоқда. Партия йиғилишлари минбаридан туриб айтилган қимматли фикр ва мулоҳазалар беҳуда кетмаслиги, ундан иншнинг кўзини билиб фойдаланиш, у ҳўжалик ва тарбиявий фаолиятнинг яхшиланиши, коммунистларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини кучайтиришга хизмат қилишига эришилмоқда.

Нефть ва нефть маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. Аммо мавжуд конларнинг қуввати ана шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондиришга камлик қилаётир. Йил сайин республикамиз ташқарисидан кўплаб ана шундай маҳсулотлар ташиб келтирилаётир. Институт коммунистлари бир неча бор бу соҳада иш кўламини кенгайтириш лозимлигини айтиб чиқдилар. У партия бюросида ҳам кўрилди. Айни вақтда партия бюроси нефть конларини қидиришга олимларнинг ҳиссасини кўпайтириш учун қурашмоқда. Ана шу мақсадда комплекс программа тузиб чиқилди. Институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. Акрамҳўжаев бошчилигидаги саккиз кишидан иборат махсус группа бу масалага оид дастлабки таклифларни ишлаб чиқиб, тегишли ташкилотларга тақдим этди. Нефтнинг прогнози ва саноат запасларини кўпайтириш бўйича амалий тавсияномалар ишлаб чиқилди. Махсус ташкил этилган экспедиция отрядлари шу масала бўйича республикамизнинг ғарбий ва жанубий районларида қизғин иш олиб бормоқда.

Бир йил илмий-текшириш институти фаолиятида нисбатан катта вақт эмас. Аммо партия бюросининг актив фаолияти туфайли у коллектив ҳаётида ижодий изланиш ва ташаббускорлик руҳи ва жўш урган давр бўлиб қолмоқда. Муҳим масалалар партия йиғилиши ва партия бюросида принципиаллик билан кўриб чиқилмоқда. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш, қимматли ташаббусларнинг кенг оммалашувига эришиш партбюронинг диққат эътиборида бўлмоқда.

Институт коллективи ўтган беш йилликда «Ишлаб чиқаришга жорий этилмаган бironта ҳам илмий иш бўлмасин» шиори билан ташаббус бошлаган эди. Республикамиз илмий-текшириш институтлари ўртасида кенг оммалашаётган бу янгилик илмий хулоса ва ечимлар самарадорлиги учун кураш юксак босқичга кўтарилган ҳозирги кунда янги мазмун касб этмоқда. Институт маъмурияти ва партия бюросининг ҳамжиҳат иш олиб бораётганлиги туфайли шу йилнинг етти ойи мобайнида муҳокама этилиб, қабул қилинган илмий ечимларнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқаришга йўлланма олди.

Ижтимоий активлик ва етилган масалаларни ҳал қилишда дадиллик кўрсатиш институт коммунистлари учун хос фазилатлардир. Ҳисобот-сайловдан буён ўтган муддатда уларнинг ана шу хислатлари ёрқин намоён бўлди. Бу ўз навбатида барча план ва топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишига катта ёрдам берди. Институт коллективи сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 6 сўмга етказиб иқтисодий самара олишга эришмоқда. Ўн биринчи беш йилликда илмий ечимларнинг 90 проценти кенг доирада ишлаб чиқаришда қўлланилишига эришилмоқда. Илмий ишларни планлаштиришда ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи қатъий ҳисобга олиниши йўлга қўйилган. Фундаментал ва амалий илмий ишлар бир-бирига уйғунлаштириб олиб борилмоқда. Бу муваффақиятларга институтнинг К. Алимов, В. Корсунь, Э. Бегматов, М. Эгамбердиев, Е. Арнаутов сингари актив коммунистлари жамоатчилик фаолиятлари ҳамда ибратли илмий изланишлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Институт коллективи кейинги вақтда йиллик иш якунларига кўра мунтазам равишда республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлаётир.

Институт бошланғич партия ташкилоти фаолиятига синчковлик билан назар ташланса, ҳали эътибор кучайтирилиши лозим бўлган анчагина масала ва проблемалар мавжуд эканлиги ойдинлашади. Бу аввало социалистик мусобақанинг кенг оммалашуви ҳақида етарли даражада қайғурилмаётганлигидир. Жумладан, ҳали ходимлар орасида шахсий социалистик мажбурият қабул қилмаган кишилар ҳам учраб турибди. Йиғилишларда бир неча бор қайд қилинишига қарамай, социалистик мусобақа натижаларининг ошкоралигини таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган. Партия бюроси илмий ходимлар учун қулай иш шароити яратиш, дала ишлари устидан назоратни кучайтириш, интизомни мустаҳкамлаш масалаларига эътиборни кучайтириши керак. Ҳолбуки, бу масалалар партия йиғилишларида коммунистлар томонидан бир неча бор эслатиб ўтилган эди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишидан буён ўтган муддатда институт бошланғич партия ташкилоти иш практикаси анчагина бойиди. Коммунистларнинг фикр-мулоҳазалари, билим ва ташкилотчилик маҳоратларига таяниб иш кўраётган Нефть ва газ конлари геологияси ва уни разведка қилиш институтининг Ҳамза Миркамолов етакчилик қилаётган партия бюроси КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишда ўз фаолиятини янада кучайтирмоқда.

С. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● СЕМИПАЛАТИНСК

СССР халқ артисти Газиза Жубанова «Чарский» кўрик совхозининг меҳнатчилари учун очиқ музика дарсини ўтказди. Бу ерда ана шу дарс билан Қозоғистон композиторлари ҳозирги замон музикаси фестивали бошланди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бу фестивал маданият арбобларининг республика меҳнатчилари билан ижодий дўстлиги ажойиб анъаналарини давом эттиради. Бу йил артистлар руда қазиб чиқарилаётган Олтойда, Экибастузда ва Толдиқўрғондаги Жеттисувда бўладилар.

● ХААПСАЛУ

Эстониядаги Хаапсалу курорт шаҳрида Чайковский кунлари ниҳоясига етди. Буюк рус композитори шу хуш манзара шаҳарда Моонзунд кўрфази соҳилларида дам олишни севарди. Узининг бир неча асарларини яратди, халқ қўшиқларини ёзиб олди. Бу йилги музика байрамида Чайковский асарлари республикадаги, Москва ва Ленинграддан келган етакчи музика коллективлари ва солистлари ижросида янгради.

● ЛЬВОВ

Бу ерда очилган тез ва кечиктириб бўлмайдиган медицина ёрдамини кўрсатиш марказида беморлар кечаю кундуз қабул қилинади. Марказнинг кўп қаватли корпусларида хирургия, травматология, терапия, реанимация бўлимлари жойлашган. Бу бўлимлар экспресс — диагностик радиоизотопли аппаратлар билан таъминланган. Шундай профилдаги медицина муассасаси Украинанинг ғарбий областларида биринчидир.

● ЛЕНИНГРАД

«Аврора» крейсер яхтаси Совет Балтика денгиз бўйи шаҳарлари бўйлаб агитюришга чиқди. Ленинград кемасозлик институтининг студентлари ва аспирантлари унинг экипажидир. Улар тарихий жойларга борадилар, ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар, ҳарбий денгизчилар билан учрашадилар. Ленинградликлар «Аврора» кемаси тўхтайдиган гаванларда кўчма кўргазмалар ташкил қиладилар, Невадаги шаҳар меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида кемага келган кишиларга гапириб берадилар.

(ТАСС).

ИККИ ОБЛАСТЬ МУСОБАҚАСИ: ҚҚАССР—ХОРАЗМ

БОШ ОМИЛ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАРДА 1982 ЙИЛ ПЛАНИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев: «Биз сакрашларга, узилишларга йўл қўймай, бир маромда ишлашни ўзлаштиришимиз керак. Бу талаб ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективи турмуши ва фаолиятида асосий мезон бўлиб қолиши лозим», — деб таъкидлаган эди. КПСС XXVI съезди ва ниинг мўътабар минбаридан туриб айтилган бу илҳомбахш сўзлар барча совет кишилари қаторидан мусобақадош Қорақалпоғистон АССР билан Хоразм области меҳнат коллективлари иш фаолиятида ҳам жанговар дастуриламалга айланган.

Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлган чоғида берган маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига қатъий риоя қилган ҳолда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йилликда саноат, қурилиш ва транспортни жадал суръатлар билан ривожлантириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга конкрет ҳисса қўшиш учун сабот билан курашмоқдалар. 1982 йил биринчи ярми якунлари Автоном республика ва Хоразм области меҳнаткашларининг социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида белгиланган юксак марраларни муваффақиятли эгаллаш, ўз мусобақадошларидан орқада қолмаслик учун интилаётганликларидан далолат беради.

Табиийки, ўзаро меҳнат беллашувида ғолиблар аниқланади, қолоқлар йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар сабабларини қидириб, уларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўради. СССРнинг шонли 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилининг биринчи ярмида Қорақалпоғистон автоном республикасидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари мусобақадошларига нисбатан бирмунча яхши ишладилар. Буюмларнинг энг зарур кўпчилик турларини ишлаб чиқариш, асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш тўғрисида ҳаммаси ишлаб чиқаришда ва ишлаб чиқаришдан ташқар

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

ШАҲАРЛИКЛАР ТАШАББУСИ

ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРДА ШАҲАРДАГИ ҲАР БИР ИШЛОВЧИ ҲИСОБИГА 25 КИЛОГРАММДАН ГЎШТ ЕТИШТИРИШ ҲАРАКАТИ БОШЛАНДИ

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, колхозчилар, совхоз ишчилари, шаҳар ва ишчи посёлкаларида яшовчи аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари озиқ-овқат маҳсулотларини қўпайтиришнинг асосий резервларидан бири эканлиги таъкидлаб кўрсатилади. Термиз шаҳар партия ва совет ташкилотлари бу соҳада олиб бораётган ишлар, шаҳар жамоатчилигининг ташаббуси диққатга сазовордир. Улар май Пленуми қарорларини шараф билан бажариш — умумхалқ иши, ҳар бир корхона ва муассаса иши, ҳар бир меҳнат коллективининг жонажон ишидир, деган шиор остида амалий иш бошладилар, қатор ташаббуслар билан чиқиб, уларни амалга оширишга киришдилар.

Ана шулардан бири шу йилнинг ўзида ҳар бир корхона ва муассасада ишлаётган киши бошига камида 25 килограммдан гўшт етиштириш ташаббусидир. Бунга ёрдамчи хўжаликларни сўзда эмас, балки амалда ривожлантириш йўли билангина эришиш мумкин. Шаҳар корхона, муассаса ва ташкилотлари, ўқув юртларининг коллективлари ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларига асосий эътиборларини қаратдилар. Натижада ҳозиргача 33 та муассасада ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Маҳаллий Советлар уларга Хотинрабод ва Учқизил массивларидаги фойдаланилмай ётган ташландик майдонлардан 1200 гектардан зиёд ер ажратиб бердилар. Шу кунгача бу майдонлардан 700 гектардан зиёд қисми тўла ўзлаштирилди. Ҳозирги пайтда ёрдамчи хўжаликларда 450 бошга яқин қорамол, 500 бош ўчқа 1500 дан зиёд қўй-эчки, 500 бош қўён ва 10.000 тадан зиёд ҳар хил парранда парвариш қилинмоқда, боқилмоқда. Ҳозирги пайтда 500 бошга мўлжалланган чўчқачилик комплекси халқ ҳашари йўли билан жадал усулларда қурилмоқда. Кейнги уч ойда ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган чорва маҳсулотлари ҳисобига аҳолига 15 тонна бўрдоқи гўшти сотилди.

— Шаҳар ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш барча чоралар билан давом эттирилмоқда, — дейди халқ депутатлари шаҳар Советининг раиси И. Қурбонов, — келгусида уларнинг сонини 50 тага етказиш мўлжалланмоқда. Бу ғоят масъулиятли ва муҳим ишларни амалга оширишда шаҳар Совети депутатлари, ҳар бир ёрдамчи хўжаликда ташкил этилган депутатлар постлари аъзолари активлик ва жонбозлик намуналарини кўрсатмоқдалар. 1983 йилдан бошлаб ҳар йили ёрдамчи хўжаликларда камида 100 тонна бўрдоқи гўшти етиштириш, ҳар бир меҳнат коллективида ишловчи киши бошига камида 25—30 килограмм гўшт тайёрлаш режа ва тадбирлари белгиланди. Бу термизликларнинг май Пленуми қарорларига амалий ва конкрет жавобидир.

Балиқчилик хўжалигининг ходимлари жуда қимматли ташаббус кўтариб чиқдилар. Улар Амударё қирғоқларидан 3 гектар янги ер ўзлаштирдилар. 1985 йилга бориб ўз ходимларини гўшт, сут, тухум, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўлатўкис таъминлашга қарор қилдилар. Беш йиллик охирига бориб ўз ёрдамчи хўжаликларида 20 бош қорамол, 80—90 бош чўчқа, 500 бош парранда боқишга ва 30 тонна картошка, 30 тонна сабзавот, 25 тонна полиз маҳсулотлари, 10 тонна илдиз мевали озуқа етиштиришга аҳд қилдилар.

Пахта тозалаш заводи ходимлари 55 бош қорамол, 300 бош майда мол, 1500 парранда боқиб, уларни тайёрлов пунктлари ва завод чиқиндилари ҳисобига парваришлашга қарор бердилар.

Бу соҳада шаҳар Советининг депутати Собир Бозорович Сатторов директор бўлган медицина билим юрти коллективининг ишлари таҳсинга сазовордир. Улар «Гулбаҳор» совхози ажратиб берган 7 гектар ташландиқ ерни ўзлаштириб, бу майдонда боғ, токзорлар ташкил этдилар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга киришдилар. Медиклар ўз кучлари билан иккита артезиан қудуқлари ковлаб, арик очиб, сув чиқардилар. Билим юрти маъмурияти ёр ерда ишлаётганлар учун қулай шарт-шароитлар яратди. Ердамчи хўжаликда сабзавот ва картошкани йил бўйи сақлайдиган омбор, сигирхона қурилди, бу иншоотлар зарур техника воситалари билан таъминланди. Қилинган меҳнатдан олинаётган самара ҳам қувончлидир. Ўтган йили 5 минг сўм даромад олинди. Билим юртида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда.

Шаҳардаги умумий овқатланиш трести коллективи 500 бошга мўлжалланган чўчқачилик комплексини ички резервлар ҳисобига халқ ҳашари йўли билан қуриб битказишга киришди. Ўтган сўнгги уч ойда трест ёрдамчи хўжалиги аҳолига 12 тонна семиз гўшт сотди.

Ўртоқ И. Солиев директор бўлган автобус-таксомотор корхонаси партия, касаба союз ташкилотлари, маҳаллий Совет депутатлари ёрдамчи хўжалик ташкил этиш борасида, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда. Транспортчилар Учқизил массивдаги қумтепаликлар ичидан ажратилган 75 гектар ерни қисқа муддатларда ўзлаштирдилар. Ана шу майдонларга карам, картошка, қовун-тарвуз ва бошқа сабзавот экинлари экдилар, 12 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар. Улар яқинда 25 бош қорамол ва бошқа чорва моллар сотиб олиб, бўрдоқига боқишга киришдилар, уларни боқиш учун 10 гектар ерда бедазор барпо этдилар.

— Бу масъулиятли ва мураккаб ишларни амалга оширишга шаҳар партия ташкилоти, маҳаллий Совет депутатлари, коммунистлар бош-қош бўлмоқдалар, — дейди суҳбатда Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Х. Тожиддинов. — Биз ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш билан бир қаторда гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга ҳам ҳар томонлама ёрдам берямиз, уларни рағбатлантириш, чорва моллар сотиб олишга кредит бериш, ем-хашак билан таъминлаш, ҳар бир хонадонда сигир ва қўй-эчки бўлишига эришиш чораларини кўряпмиз.

Бинобарин, ҳозирги пайтда шаҳар аҳолисига реализация қилинаётган гўшт маҳсулотларининг 45 проценти, сут маҳсулотларининг 60 проценти, мева-сабзавотнинг 50 проценти гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилаётганлигини ҳисобга олганда бу ғоят муҳим соҳага биринчи даражали аҳамият бериш зарур бўлади.

Термиз шаҳар меҳнаткашлари, кенг жамоатчилик, ҳар бир шаҳарлик партиямизнинг май Пленуми қарорларини, Пленум тасдиқлаган Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун, СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг шахсий ҳиссаларини қўшмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз чўлқуварлари она-Ватанга 12 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишган. Пахтакорлар бу марани эгаллаш учун ғўза парваришини тобора кучайтириб, гулга гул, кўсакка кўсак қўшишмоқда. Далаларда иш юксак уюшқоқлик билан давом этяпти. Бўлимлараро социалистик мусобақа ташкил қилинган. Мусобақада коммунист Мамат Турдиев бошлиқ 8-бўлим пахтакорлари пешқадамлик қилишмоқда. Суратларда: бўлим бошқарувчиси М. Турдиев, агроном У. Юнусов ва бригадир-механизатор М. Абдусаломов ўртоқлар. Ўнгда эса ғўзага ишлов бериш.

К. Жўрақулов фотолари.

ДЎСТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бухоро шаҳар пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройининг интернационал дўстлик клубига Киевдан мактуб келди. Мактубда 163-ўрта мактабда ишлаб турган «Ровесник» интернационал дўстлик клуби аъзолари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётганлари тўғрисида хабар қилишган.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш кунларида интернационал дўстлик клуби тобора кўпlaб шаҳарларнинг мактаблари билан алоқа боғламоқда. Бухоролик болалар Латвия Совет Социалистик Республикаси бир қанча мактаблари ўқувчиларининг, Каунас шаҳридаги «Алне паруса» интернационал дўстлик клуби аъзоларининг, Иркутск область Новий Добгур посёлкасидаги мактаб ўқувчиларининг илтимосларига кўра, Совет Ўзбекистонига бағишланган стендлар тайёрламоқдалар. Улар Москва, Краснодар, Ашхобод, Душанба, Боку, бошқа шаҳарларнинг пионерлари ва ўқувчилари билан хат ёзишиб туришади.

(ЎзТАГ).

АГРЕССОРЛАР ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг баёнотида бундай дейилади: Исроил тинч Ливан аҳолисига ва Фаластин араб халқига қарши мудҳиш босқинчилик хуружлари қилмоқда. Исроиллик агрессорлар жаҳон жамоатчилигининг фикрини сурбетларча назар-писанд қилмай ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгаши яқинда қабул қилган ва Исроилдан Байрут қамалини дарҳол тўхтатишни талаб этган қарорни беҳаёлик билан поймол этиб, Ғарбий Байрутни қамал қилиш соҳасида кенг кўламда ҳарбий операцияларни кун сайин амалга оширмоқдалар.

Жафокаш Ливан пойтахтига ҳаводан, денгиз ва қуруқликдан тонналаб бомба, ракета ва снарядлар ташланмоқда, одамларни қириб, ҳамма жойни вайрон қилмоқдалар. Байрутнинг тинч кварталларида, Фаластин қоч-оқларининг лагерларида минг-минглаб одамлар халок бўмоқда, ҳатто мактаб, касалхона, госпиталлар ҳам ваҳшиёна тўпга тутилиб, ер билан яксон қилинмоқда. Гуноҳсиз кишилар — хотин-қизлар, болалар, кексаларнинг қони тўкилмоқда, тиш-тирноғигача қуролланган босқинчиларга қарши жанг қилаётган шаҳар мард ҳимоячиларининг қони тўкилмоқда.

Ливан пойтахтида сув, озиқ-овқат, дори-дармон етишмаётганлиги натижасида касаллик ва эпидемиялар хавфи тўғилмоқда. Исроиллик босқинчилар гитлерчи жаллодлардан ўрнак олиб, тинч араб аҳолисига нисбатан чинакам қирғинчиликни амалга оширмоқдалар.

АҚШ Тель-Авивнинг агрессив ниятларини доим рағбатлантириш, Исроил ҳарбийларига янги, жуда мудҳиш ялпи қирғин қуролларини етказиб бериш сиёсатини ўтказаётганлиги натижасида ана шундай босқинчилик ва оммавий террорни амалга ошириши мумкин бўлди.

Совет тинчлик тарафдорлари исроиллик агрессорларнинг Ливандаги мудҳиш ёвузликларини қаҳр-газаб билан қоралайдилар ва қутурган агрессор Ливан тупроғида нацистлардан нусха олиб, одамларни қўплаб ўлдираётганлиги дарҳол тўхтатилсин, агрессорларнинг босқинчилигига чек қўйиш учун амалий чоралар кўрилсин, деб талаб этадилар.(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ПРАГА. Чехословакия авиаконструкторлари «Зет 37 Т» деб аталган қишлоқ хўжалик самолётининг янги типини яратдилар. Бу машина — Чехословакиядагина эмас, шу билан бирга чет мамлакатларда ҳам деҳқонларга манзур бўлган машҳур «Шмель» маркали самолётнинг такомиллаштирилган вариантидир. Қишлоқ меҳнаткашларининг янги самовий ёрдамчиси дарахтзорларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва далаларни осмондан озиқлантириш учун мўлжалланган анча мукаммал ускуналар билан таъминланган. Кўп юк кўтариши, сиғимли бўлиши ва фойдаланишда тежамлилиги ҳам «Зет 37 Т» самолётининг афзалликларидандир.

Қишлоқ хўжалик авиацияси Чехословакия қишлоғи ҳаётида мустаҳкам ўрин олди. Қанотли машиналарнинг отрядлари мўл ҳосил учун курашда деҳқонларга самарали ёрдам бермоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина «Словайр» қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари 5,5 миллион гектар майдондаги экинларни осмондан туриб ўғит билан озиқлантирди. Бу эса мамлакатдаги ҳайдаладиган майдонларнинг деярли ярмига тенгдир.

● БУДАПЕШТ. Венгриянинг Дьендьеш шаҳридаги «Эдьешольт иззо» заводи филиалининг меҳнаткашлари бу йил юзта саноат роботи тайёрлаб Совет Иттифоқига жўнатади. Шу корхона марнаси қўйилган автомат манипуляторлар Совет Иттифоқида телевизион приёмникларнинг кинескопларини йиғишда қўлланилади, прессларга хизмат қилишда фойдаланилади.

«Эдьешольт иззо» заводида саноат роботларини ишлаб чиқариш ўтган беш йилликнинг дастлабки йилларида ўзлаштирилиб, аввало, Совет Иттифоқига экспорт қилиш учун мўлжалланган эди. Ўша пайтдан буён заводда ишлаб чиқарилаётган автомат манипуляторлар анча такомиллаштирилди.

● БУХАРЕСТ. Руминияда донг чиқарган Региндаги ёғочсозлик корхонасининг усталари музика асбобларининг навбатдаги туркумини яратиб, Совет Иттифоқига жўнатдилар. Бу — юбилей 500 мингинчи музика асбобидир. Регинда ясалган скрипкалар, контрабаслар, виолончеллар ва гитаралар 25 мамлакатда, шу жумладан, СССРда катта шуҳрат қозонди. Ҳозирги вақтда регинлик қўли гул усталар 120 типдаги музика асбобларини ишлаб чиқармоқдалар.

(ТАСС).

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

КАТМАНДУ. (ТАСС). «Непал халқи СССРнинг изчил тинчликсеварлик сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Ливанда тинч аҳолининг қони тўкилаётган, планетанинг бошқа районларидаги вазият кескинлашган ҳозирги пайтда Совет Иттифоқининг уруш хавфига йўл қўймаслик соҳасида зўр ғайрат билан қилаётган ишлари алоҳида аҳамият касб этади», — деди Непалнинг таниқли жамоат арбоби, профессор Рама Прасада Манандхар. У Непал—Совет дўстлиги уюшмасининг ташаббуси билан бу ерда ўтказилган умуммиллий конференцияда сўзлаган нутқида яна бундай деб таъкидлади: «Мамлакатимизда совет халқининг турмушига, унинг иқтисодиёти, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ажойиб муваффақиятларига қизиқиш доимо ошиб бормоқда».

ИРОҚ—ЭРОН ФРОНТИДА

БАҒДОД. (ТАСС). Фронтнинг жанубий участкасида Басра шаҳридан шарқроқда Ироқ қўшинлари душманнинг олдинги мудофаа марказига атака қилиш йўлидаги ўринларини қайтардилар ва уни чекинишга мажбур қилдилар, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Эрон томонидан 52 киши ўлдирилди.

Фронтнинг марказий участкасида кейинги икки кун ичида душманнинг 80 дан кўпроқ солдати қириб ташланди.

ТЕҲРОН. «Ислом революцияси посбонлари» корпуси марказий штабининг маълум қилишича, унинг бўлинмалари Қасри Ширин районида муваффақиятли операция ўтказди. Операция натижасида Қасри Ширин билан Сари Полезохаб ўртасидаги тоғ йўл назорат қилиб турилаётган стратегик жиҳатдан иккита муҳим тепалик ишғол қилинди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида Ироқнинг икки юзга яқин солдати ўлдирилган, бир неча танк ва бронетранспорт яксон қилинган.

СИНЬХУА АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, шу йил 1 сентябрда ХКПнинг XII съезди очилади.

Съездни чақириш тўғрисидаги қарор ХКП Марказий Комитетининг 6 август куни Пекинда бўлиб ўтган пленумида қабул қилинди.

(ТАСС).

ХИРОСИМА БОНГИ

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг даъватига биноан 6 август куни ядро қуролини тақиқлаш ва атом бомбардимонлари қурбонлари билан бирдамлик учун халқаро ҳаракат ҳафталиги бошланди. Бу сана тасодифан танлаб олинганги йўқ. 37 йил муқаддам — 1945 йил 6 август соат 8 дан 15 минут ўтганда Американинг атом бомбаси Хиросимани қунпаякун қилган эди. Бу портлашнинг даҳшатли манзаралари шу кунларгача етиб келган. Ёруғлик нури уриб йўлка асфальтига абадий «ёпишиб қолган» инсон силуэти, даҳшатли қуйиш натижасида башараси чандиқ бўлиб қолган сўқир кишилар, ерга қапишиб кетган юк машинасининг қолдиғи. Хиросима атом бомбардимони қилинганининг мана шу манзаралари ҳозир ҳам ҳар қандай ақл-идроклі кишини ларзага келтиради.

Буни одамларга қайта-қайта эслатиш жонзлигининг сабаби шуки, ҳозирги тинчлик ва ақл-идрок сари қўйилган қадам» деб атаб, бу «1.000 миля олга сакраш» деб атаган эди. Москвадан эндигина қайтиб келган Америка делегациясининг бошлиғи Аверел Гарримани ўша куниёқ оддий америкаликлар қизғин табриклаб кутиб олган эдилар. Чақалоғини кўтариб олган бир аёл унинг ёнига бориб: «Сиз Москвада қилган иш шу гўдакка тўлақонли ва бахтиёр яшаш умидини бахш этади», деган эди.

Ҳозирги Вашингтонда мутлақо бошқача нутқлар сўзланмоқда. У ердагилар энди «чекланган ядро уруши»га йўл қўйиш мумкинлиги ва ҳатто бундай уруш маъқуллиги тўғрисида ошкора гапирмоқдалар. Президент Рейган ядро қуроли синоварини тўла-тўкис ва ёппасига тақиқлаш тўғрисида Совет Иттифоқи ва Англия билан ўтказаётган музокараларни қайта бошламасликка қарор берганлиги Оқ уйда расмий равишда эълон қилинди. Ҳолбуки, 1970 йилда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага имзо чеккан давлатлар айни шу синоварнинг тақиқланишига интилган эдилар, 1963 йилги шартнома шу йўлдаги биринчи қадам бўлган эди. Америка президентининг ўз бошимчалик билан қабул қилган бирёқлама қарори бутун дунёда Қўшма Штатларнинг оммавий қирғин воситалари пойгасини тинимсиз қучайтиришга интилишдир, деб якдиллик билан таъкид этилди. «Вашингтон пост» газетасининг таъбири билан айтганда «Америка халқини ядро уруши ончалик ҳам қалокатли эмас, деган фикрга келтириш» мақсадини кўзловчи Америка расмий пропагандаси қучайиб бораётган бир пайтда мана шундай воқеалар содир бўлмоқда.

Америка ва НАТО ҳарбийларининг жиноятқорона режалари ер юзининг ҳамма жойда тинчликсевар қучларнинг кенг норозилик тўлқинини юзага келтирмоқда. Тинчлик тарафдорлари кун сайин тобора оммавий равишда жанговар ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир бутун Европада, Японияда ва бошқа мамлакатларда «Тинчлик юриши-82» деган умумий ном остида ядро қуролига қарши оммавий намойишлар ўтказилмоқда. Турли социал системаларга мансуб мамлакатлардаги кишилар ўртасида бевосита алоқа ўрнатилаётганлиги бу намойишларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Стокгольм — Турку — Хельсинки — Ленинград — Москва — Минск маршрути бўйлаб ўтказилган ва куни кеча тугалланган тинчлик юриши якунида БМТга, ҳукуматларга, парламентларга ва жаҳон халқларига «Ҳамма замонларнинг энг муҳим ҳаётий муаммоси — инсониятни ядро урушида қирилиб кетишдан омон сақлаш муаммосини ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилайлик ва бир фикрга келайлик» деб жўшқин даъват этувчи мурожаатнома қабул этилди.

Шу юриш тугалланган куннинг эртасига совет тинчлик тарафдорлари Москва — Киев — Ужгород — Братислава — Будапешт — Вена маршрути бўйлаб урушга қарши янги юриш бошладилар, ўттиз мамлакатнинг урушга қарши кураш қатнашчилари уларга қўшилдилар. Хотин-қизларнинг урушга қарши ҳаракати активлари ҳам Ғарбий Берлиндан ва ҒФРдан ўша ёққа, Венага йўл олдилар. Англия ва Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатлар урушга қарши ташкилотларининг қатнашчилари ҳам шу йўлдан бормоқдалар.

«Тинчлик юриши-82»нинг мана шу ҳамма ирмоқлари 6 август куни Венада туташди. Бу ерда улар Америка атом бомбаси портлаши натижасида вайрон бўлган Хиросима фожиасининг 37 йиллигини нишонлаб, «Асло такрорланмасин!» деган жанговар шиорни қатъият билан баралла айтдилар.

Ядро қуроли батамом тақиқланишини ва ядро қуроллари пойгаси дарҳол тўхтатилишини талаб қилиш учун Японияннинг турли томонларидан бу шаҳарга келган ўн иккита халқ юришининг қатнашчилари худди шу куни Хиросимага етиб келдилар.

Хиросима бонги жаҳон халқларини ядро уруши хавфига қарши курашда бирёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга га қатъиятли бўлишга даъват қилмоқда.

Г. ШИШКИН.

САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК

Яккабоғ районидаги пахтачиликка ихтисослаштирилган «Қизил Ўзбекистон» колхозида сабзавот ва полиз экинларидан ҳам муттасил юқори ҳосил олиниб, давлатга маҳсулотлар сотиш тобора кўпайтирилмоқда. Бу борада Усмон Сатторов бошлиқ бригада мириқишлари ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар юбилей йилида бир минг тоннага яқин турли хил маҳсулотлар тайёрлаш мажбуриятини олганлар.

Республика илғор бригада бошлиқларининг даъвати сабзавоткор-полизчилар янада зўр ғайрат билан ишлашга чорлаяпти. Улар бутун куч ва техникани сафарбар этиб, етиштирилган ҳамма ҳосилни қиска муддатларда йиғиб-териб олиш, план ва мажбуриятларни ортиғи билан бажариш учун мусобақани қучайтиряптилар.

— Бу йил ҳосил ҳар йилгидан юқори бўлди, эрта пишиб етилди, — дейди бригада бошлиғи У. Сатторов, — ҳозир энг долзарб кунларга кирдик. Маҳсулотлар ғарқ пишди. Уни сира нобуд қилмасдан тезроқ йиғиб-териб олишимиз шарт. Шуни назарда тутиб, барча аъзоларимизга конкрет нормалар белгиладик. Тайёрланган маҳсулотлар пешма-пеш давлат тайёрлов ташкилотларига жўнатиляпти.

Даъватда таъкидланганидек, «Мамлакатимизнинг Озиқ-овқат программаси ғоят улуғвордир. У ҳар бир кишининг фаровонлигини ўйлаб, узоқ истиқбол кўзда тутилган қолда ишлаб чиқилган». Биз, сабзавоткор-полизчилар бундан тегишли хулоса чиқариб олиб, маҳсулотлар тайёрлашни янада қучайтириш чораларини кўрмоғимиз зарур. Амалда шундай қиламиз.

Бироқ райондаги «Марксизм», «Шарқ юлдузи» колхозларида сабзавот ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрлашда ғоятда сусткашликка йўл қўйиляпти. Вақолонки, фурсат кўлдан берилса, маҳсулотларнинг бир қисми нобуд ва ноқроф бўлиш мумкин. Нисбатан қолоқ хўжаликларнинг рақбарлари илғорлардан ибрат олиб, йиғим-терим ва давлатга маҳсулотлар топширишни жадаллаштириш чораларини кўришлари керак.

Ш. МАҲМУДОВ.

СССР 60 ИЙЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ЧЎҚҚИЛАР ЧОРЛАЙДИ

Бригада бошлиғи Мавжуда Шарипова дала шийпонига етиб келганида тор ортидан аста мўралаётган қўёш заррин нурлари билан қўмкўк далаларни ўрай бошлаган эди. Ён томондаги пайкалда бегона ўтлар кўпайиб қолганлигини кўриб, ачинди. Бунинг устига суғориш ҳам тугаган эмас. Тунда суғориш яхши йўлга қўйилмаган. У шийпон томон ярқраган бригада аъзоларига аҳволни тушунтириш ва парваришни жадаллаштириш лозим деган фикрга келди.

Шу пайт кичкина кетмонини елкасига ташлаб, бошини дуррача билан тангиб олган, ҳамиша жилмайиб турувчи Назира етиб келди. Назира Низомова бригада цех партия ташкилотининг секретари, ташаббускор коммунист. Ўтган йили 12 тонна ипак пахта териб, бригада хирмонига катта ҳисса қўшганди.

— Опа, хомуш кўринасиз, — деди Назира саломлашгач.

— Ўзим ҳам билмайман, Назира, — деди Мавжуда. — Лекин юрагим ишларимиз қабул қилган мажбуриятларимизга яраша эмаслигини сезиб турибди. Имкониятларимиз, доираида ишлаётганимиз йўқ. Ахир, ўзинг тушунасан, ипак пахтадан 60 центнердан ҳосил етиштириш осон эмас.

— Кеча сиз районга кетганингиздан кейин гаплашиб олдик. Коммунистларимиз, механизаторлар, сувчилар, қуллас, қизларнинг аҳди қатъий. Тез кунда далада бирорта ҳам бегона ўт қолдирмаймиз. Суғориш ва парваришни виждон амри билан сифатли олиб борамиз... — Мен кетдим, қизлар ишни бошлашди, опа.

Мавжуда Шарипова ҳам шийпондан чиқди. Гурилдаб ишлаётган тракторга яқинлашди. Механизатор Салим Пўлатов бригадирни кўриб, тракторни пайкал чекасида тўхтатди. Мавжуда культиватор ишчи органларини синчиклаб кузатиб чиқди.

— Даламизда кесак йўқ, ишчи органларини бир-икки сантиметр пастга туширса ҳам бўлади. Шу картани кечқурунгача суғоришга тайёрлаб бераолисмизми? — сўради у механизатордан.

— Ҳаракат қиламиз, опа, — деди у тракторга чиқар экан. — Сувчиларга тайинлайверинг.

Механизаторнинг ишончли гапларидан Мавжуда анча енгил тортди. У куни билан даладан, одамлар ёнидан нари кетмади.

Туш пайтида табелчи қилинган ишлар ва сифати ҳақида ахборот берди. Мавжуда жимгина ўтириб тинглади. Графиклан орқада қолаётганлар, ишга сабабсиз чиқмаганлар бўлмаганидан қувонди. Лекин астойдил ғайрат қилинса, 5 гектарли карта шу куниёқ ўтдан тозаланишини аниқлади.

Тўрт кундан сўнг 6-бригада далаларини район сифат комиссияси аъзолари келиб кўришди. Карталарда бирорта ҳам бегона ўт қолмаганди. Культивация сифатли ўтказилмоқда, суғориш ҳам маромида олиб бориляпти. Ўша куни механизатор Пўлат Салимов ишлов берган, сувчилардан Усмон Саидов, Шариф Ҳамроевлар суғорган 10 гектарлик пахта майдонига сифат белгиси берилди. Кечқурун эса қолхоз правлениеси идораси олдида Мавжуда Шарипова бошлиқ бригада шарафига Қизил байроқ кўтарилди.

Дарҳақиқат, КПСС XXVI съезди делегати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мавжуда Шарипова бошлиқ бригада аъзолари юбилей йилида 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан, жами 420 тонна ипак пахтани Ватанга туҳфа этиш учун дала ишларини намунали ташкил этишяпти.

Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Навоий область, Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози.

БУГУН ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ЁШ АДИБЛАРИ СЕМИНАРИ БОШЛАНАДИ

ИЖОД ДАВРАСИ

Кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимиз ижодкор ёшларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ана шу ғамхўрликнинг самараси сифатида истеъдодли ёш шоирлар, адиблар янада салмоқли ва бетакрор янги асарлар яратишмоқда. Бугун Тошкентда очиладиган республика ёш адибларининг семинари ҳам ижодкор ёшларга, уларнинг ижодига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир намунасидир. Семинар ишида бошловчи прозаикларнинг, шоир ва драматургларнинг, ёш муаққидларнинг ижодий ишлари муҳокама қилинади. Бу муҳокамаларда қаламкашлар билан бир қаторда республикамизнинг атоқли адиблари, шоир-у муаққидлари иштирок этади. Шубҳа йўққи, республика ёш адиблари семинари ёш шоир-у ёзувчиларимизнинг ижодий камолотида муҳим роль ўйнайди.

ЎЗБЕКИСТОН ШУНДАЙ ЎЛКАДИР...

Тандирнинг тафтидай тафт келар ердан,
Арилар бол йиғар, қушлар хиромон.
Боғларда ғарқ пишган олма, анжирда,
Тўкин-сочинликнинг рамзин кўраман.
Шу онда қалбимда ҳислар қалқадир,
Боғлар, далаларда яёв юраман.
Дўстлар, Ўзбекистон шундай ўлкадир,
Ҳар ёнда тўкинлик, ҳар томон чаман.

Тандирнинг тафтидай тафт келар ердан,
Бироқ сувчи юрар далада вазмин.
Унинг юзларидан оққан қатрада,
Кўраман бўлғуси хирмонлар вазнин.
Шу онда қалбимда ҳислар қалқадир,
Дўстлар даврасига ўзим ураман,
Дерлар, Ўзбекистон шундай ўлкадир,
Шундай ифтихорга тўлиб юраман.

Жумабой МАТЕҚУБОВ.

ҚИШЛОҚ ОҚШОМИ

МАНЗАРА

Уфқнинг юзи қизғиш — қонталаш,
Қуёш ҳорғин бота бошлайди,
Туя ўркач тоғлар тўшига,
Оқшом секин тўрин ташлайди.
Майсаларни силаб ўтади,
Шабаданинг бокира қўли.
Кенгликларга кетар етаклаб,
Қишлоғимнинг намиққан йўли.

Аҳмад БОЛИБЕКОВ.

ВАҚТ

Вақт — инсондир,
ҳар иккиси тенг
Ўтар, аммо келмагай қайтиб.
Мен ҳам бир Вақт — пок
туйғуларнинг
Олча каби гулламоқ пайти.

Вақт танглиги ҳаётингда гар
Содир бўлса, эй дўсти надим,
Демак, бу — мен етишмаётган,
Бу — мен ёрдам қўлин чўзмадим.

Не саодат кўнгил боғида
Саратонда сувдек нақд бўлиб,
Оқиб кирмоқ зарур чоғида
Энг муҳим, энг керак Вақт бўлиб.

Беҳудадир, ўйлаким, бари
Магар баланд турса имкондан.
Неки эрур Вақтдан ташқари—
Ташқарида эрур инсондан.

...Эшигингни очгил, гўзалим,
Остонангда турибман хушбахт.
Кетганимча йўқ ўтиб ҳали,
Бу — мен ўша сен қидирган Вақт.
Вақт — инсондир!

Саъдулла ҲАКИМ.

ҚЎШИҚ

БОБОМНИНГ ЎГИТИ

Ушоқ кўрсанг эгил шу замон,
Ердан олу суртгин кўзингга.
Нон қиммати менга кўп аён,
Ҳайрон боқиб турма юзимга.
Қалб кўрк-ла ўстирилгай дон,
Увол қилма нонни, болажон.

Кўз олдимдан ўтади бир-бир,
Оч-қиронлик, уруш даҳшати.
Тинка қуриб жон берди, ахир,
Қаича инсон... улар ҳурмати.
Ва, қолганлар мен каби омон,
Увол қилма нонни, болажон.

Ер юзида ҳали ҳам неча
Тенгдошларинг кезар оч-наҳор.
Шафқат тилаб изғишар кўча,
Бурда нонинг ушоғига зор.
Кўрмай десанг хорлик ҳеч қачон,
Увол қилма нонни, болажон.

Тўкин-сочин, бахт берган бутун
Элу юртни севгин, олқишла,
Ризқ-рўзимиз — нон ҳурмати-чун
Бутун умринг ата, бағишла.
Шундай қипсанг ҳар кун, ҳар қачон,
Қўшиқларинг тинмас, болажон.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Тошкент медицина институти олимлари тўрт йилдирки, Жиззах чўлқуварларига оталиқ ёрдами кўрсатиб келаётирлар. Олимларнинг Дўстлик ва Пахтакор районларида ўтказган илмий конференциялари, амалий ёрдамлари яхши самаралар бермоқда. Шунингдек, бу ҳамкорлик даволаш муассасаларининг кенгайишида, замонавий даволаш асбоб-ускуналарининг кўпайишида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Яқинда чўлга яна бир группа медик олимлар келиб, конференция ўтказишди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛСИН

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Уйчи районидаги «Қизил равот» совхози боғбонлари бу йил мевадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ҳозирга қадар 200 тонна хўл мева тайёрлаб, эл дастурхонига етказиб бердилар. Ноз-неъмат бунёдкорлари йил охиригача 382 тонна маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишган. Суратларда: боғ бригадири Сотиволди Раҳмонов ҳамда илғор ишчилар Гулнора Дадашева билан Оминахон Иброҳимовалар олмазорда.

А. Юсуфбоев фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ўрта Осиё темир йўли Ховос бўлими базасидаги
168-ХОВОС ТЕМИР ЙЎЛ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тепловоз машинисти. Ўқиш муддати — 2 йил. Ўрта маълумотли ишчилар, хизматчилар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинадилар. 72 сўм стипендия тўланади.

Рефрижераторли поездлар механиги. Ўқиш муддати — 6 ой. Ўрта маълумотли ишчилар, хизматчилар, шунингдек Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар ва 18 ёшга етган ўқувчилар қабул қилинадилар. 90 сўм стипендия тўланади;

тепловоз машинисти ёрдамчиси ва станция навбатчиси. Ўқиш муддати — бир йил. Ўрта маълумотга эга бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. 30 сўм стипендия тўланади;

машинист ёрдамчиси ва станция навбатчиси. Ўқиш муддати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ҳамма ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар (уч маҳал бепул иссиқ овқат, бепул формали кийим-бош). Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар, шунингдек стипендиялари ҳам сақлаб қолинади.

Билим юртини битириб чиққанлар темир йўл транспорти ходимларига берилган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар: йилига бир марта Совет Иттифоқининг исталган ерига темир йўлда бориб-келиш учун бепул билет, ёнилги, формали кийим-бош ва бошқа имтиёзлар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганларга олий ўқув юртлари ва техникумларга конкурсдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Билим юртига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақида шаҳодатнома (асл нусхаси), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки ҳарбий билет, турар жойидан справка, мактаб ёки ишлаб чиқариш корхонаси томонидан берилган характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Сирдарё область, Ховос станцияси, Комсомол кўча, 2-уй. Телефон 20-87.

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ
ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИНИНГ
БАЙКАЛЬСКДАГИ 2-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА
1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлайди: контроль-ўлчов приборлари ва автоматика бўйича слесарлар, саноат ускуналарига хизмат кўрсатиш ва ремонти бўйича электромонтёрлар, қуритувчи, прессловчи, кесувчи, силлиқловчи, қоғоз-картон ишлаб чиқарувчи машиналарнинг машинистлари.

Ёши 17 ва ундан катта бўлган, 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит-қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганларга ўрта махсус ўқув муассасалари даражасида стипендия ва ҳар ойда корхона ҳисобидан 42 сўм берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган ва танлаган ихтисослиги кўрсатилган ариза, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, турар жойи ва оилавий аҳволи ҳақида справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирилган нусха (ишлаётганлар учун), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида) тақдим этишлари лозим.

Паспорт ва ҳарбий ҳисобда турганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Ўқиш жойи — Байкальск шаҳрига етиб олишгача бўлган йўл ҳаражатларини фабрика ўз зиммасига олади.

Билим юртини битирганлар доимий ишлаш учун Тошкент қоғоз фабрикасига юборилади.

Ҳужжатлар 15 августга қадар қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 5-почта бўлими, Куйбишев шоссеси, 23-уй, кадрлар бўлими (5-трамвайнинг «Ипподромная», 7, 26, 55, 52, 68«э», 106-автобусларнинг «Узбум» бекати).

129-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали касб эгаларини тайёрлайди:

ОШПАЗЛАР (чет эл таомларини тайёрлайдиган) Ўрта маълумотлилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 2 йил.

ОШПАЗЛАР — 8 синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

ОФИЦИАНТЛАР (чет тиллари ўқитилади). Ўрта маълумотлилар қабул қилинади. Ўқиш муддати —2 йил.

ҚАНДОЛАТЧИЛАР. Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 2 йил, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил.

САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИЛАРИ. Ўрта маълумотлилар қабул қилинади. Ўқиш муддати —1 йил.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИЛАРИ. Ўрта маълумотлилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўрта маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, 8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ҳамда ўрта мактабни тамомлаганлиги тўғрисида тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Ўқув юртини тмомлаганлар Ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистон ССРга қарашли чет эл саёҳатчиларига хизмат қилувчи ресторанларда ҳамда савдо корхоналарида ишлайдилар.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Юнусобод массиви, Д-2, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «КРОЛИКОЗВЕРОВОД» ЖАМИЯТИ
Чекланмаган миқдорда
ҚУЙИДАГИЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

туғилганига 2—3 кун бўлган қуёнчаларни (душанба, чоршанба, жума кунлари соат 8.00 дан 9.00 гача). Ҳар бир қуёнча учун 1 сўм 10 тийин тўланади:

вазни 350 грамм ва ундан оғир бўлган катта денгиз чўчқаларини. Ҳар бир денгиз чўчқаси учун 4 сўм 05 тийин тўланади.

Топширилган маҳсулот учун озуқа берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 279-уй (5, 26-трамвайларнинг «Узпахта» бекати; 52, 15, 106, 133-автобусларнинг 37, 68«э»-автобусларнинг «Жарқўрғон кўчаси» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ВА В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ БИРЛАШМАГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Меҳнат шартномаси тузган ишчиларга нафақа берилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ишбай-мукофотли бўлиб, меҳнат ҳақига район коэффициенти қўлланилган ҳолда вақти-вақти билан мукофот қўшиб берилади.

Бирлашма маданий соғломлаштириш базалари ва дам олиш зоналарига эга.

Справкалар ва ишга йўллама олиш юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

шаҳарларда ишга жойлаштириш бюроси инспекторларига;

районларда — меҳнат бўйича область бўлимларининг вакилларига;

Тошкент шаҳрида — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хонага.

128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982-83 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — трамвай ва троллейбусларнинг ҳаракатдаги состави ремонти бўйича слесарь, тортиш подстанциялари диспетчери, трамвай ва троллейбусларнинг электр радио аппаратуралари ремонти бўйича слесарь-электрик.

Ўқиш муддати — 3 йил. Ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар;

ўрта маълумотлилар учун — трамвай вагонлари ҳайдовчиси, троллейбус машинаси ҳайдовчиси, автослесарь, контакт ва кабель тармоғи ремонти бўйича электромонтёр. Ўқиш муддати — 10 ой. Стипендия — ойига 30 сўм.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

СССР Куролли Кучларидан запасга бўшатилганлар ва 17,5 ёшдан катта бўлган қизлар учун ўқиш муддати ихтисослар бўйича: троллейбус ҳайдовчиси — 6 ой, трамвай ҳайдовчиси 5 ой. Стипендия 75 сўм.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар ҳар ойнинг 5—15 числоларида бошланади.

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй (1, 17«э»-автобуслар, 18 троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточное» депоси бекати.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
Цирк санъатининг янги асари

«РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА»

ПАНТОМИМА-ФЕЕРИЯ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

44-35-91, 44-35-84 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика радиоси коллективи адабий-драматик эшиттиришлар Бош редакциясининг редактори А. Рўзиевга укаси

Маҳмуджон РУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига қарашли Республика стенография ва машинада ёзув курси коллективи курс директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Мухиддин Муродович МУРОДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ҚИРҚ БИР ЙИЛДАН СЎНГ...



Уруш одамларни не-не кулфатларга мубтало қилмаган дейсиз. Тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист қўшинлари мамлакатимизга бостириб кириб, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирди, миллионмиллион тинчликсевар совет кишиларининг ёстиғини қуритди. Уша қора кунларни кўрган, ота-онасидан, болаларидан, жигар гўшаларидан жудо бўлган кишилар ҳалигача урушни лаънатлаб келишади. Совет кишиларининг матонати, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати босқинчилар устидан ғолиб чиқди. Душман устидан қозонилган ғалабамизга 37 йил тўлган бўлса-да, уруш қолдирган инсон қалбидаги аламли асоратлар ҳануз ўчмаган.

Газетамизнинг шу йил 19 январь сонида «Қидириш»-рубрикаси остида 41 йилдан бери фарзандининг дийдорига умидвор бўлиб яшаётган 80 ёшли эстониялик муштипар она — Леонтина Густовна Лаукнинг «Леонхардни билган борми?» сарлавҳали мактуби эълон қилинган эди. Шундай мактуб билан газетамизга мурожаат қилиш учун Леонтина Густовнада маълум сабаблар бор эди, албатта. Кўп йиллик сўраб-суриштиришлар, излашлар натижасида онаизорнинг азиз фарзанди — Леонхард ҳақида Ўзбекистондан дарак чиқиб қолди. Кекса она ўшандан бери тиқ этса эшикка қулоқ тутиб, кўзлари нигорон бўлиб йўл пойлайди. Баъзилар кекса кампирнинг бу ҳолига ачиниб унга таскин беришар, бошқалар эса: «Ўғлингиз йўқолганда ўн ёшдан ошган эди. Тирик бўлса, аллақачон дараги чиққан бўларди. У бомбардимон остида қолган» — деб Леонхардни излашдан фойда йўқлигини айтишарди. Барибир она-она экан-да! У умид билан йўлга кўз тикиб ўтираверди.

Кунларнинг бирида почтальон хат келтириб қолди.

— Қаердан? — кампир ношиб сўради.

— Ўзбекистондан! — деб жавоб берди почтальон қувонч билан. — Ўғлингиз топилган бўлса ажабмас.

Бу гапни эшитган онаизор ўтирган ерида ҳушидан кетди. Ўзига келганида атрофида бир қанча одамлар нималар ҳақидадир сўзлаб туришган экан. Бошида эса қизи Лидия. Унинг кўзларида ёш. Лекин бу ёшлар қувонч ёшлари эди.

— Қани? Хатни ўқидингларми? Нима деб ёзишибди? — Онанинг биринчи айтган сўзлари шу бўлди. Лидия ўзини тутолмай онасининг бағрига отилди.

— Онажон, укам тирик, Леонхардимиз ҳаёт экан. Ўзбекистоннинг Бухоро область, Ғиждувон район, «СССР 60 йиллиги» колхозидан комсомол қиз Тўхтаой Жумаева бизга мактуб йўллабди. Мана, эшитинг. «Ҳурматли Леонтина Густовна! Бизнинг қишлоғимизда 1941 йилда Россиядан эвакуация қилинган Луна Умидов деган киши яшайди. Уйли-жойли. Икромжон исмли бир ўғли ҳам бор. Ҳозир у Совет Армияси сафида хизмат қиляпти. Луна аканинг ёши 51—52 ларда. Колхозда механизатор бўлиб ишлайди. У кишини уруш йили ҳамқишлоғимиз Умид ака Турдиев ва унинг турмуш ўртоғи Муяссар аялар ўз тарбияларига олишган экан. Ушанда боланинг исмини сўрашганда у базўр «Луна» деб жавоб берибди. Балки ўша Луна сизнинг ўғлингиз Леонхарддир».

Лауклларнинг хонадони бамисоли тўйга айланиб кетди. Кекса онанинг қалбида умид учқунлари порлади. «Луна — менинг Леонхардим бўлиши керак» деган фикр хаёлидан кетмади. Орадан кўп ўтмай Ғиждувонга, «СССР 60 йиллиги» колхозида яшовчи Т. Жумаева номига телеграмма келди. Унда Леонхард ҳақида тўлароқ маълумот беришларини ҳамда суратини юборишларини илтимос қилинганди.

Бошга ташвиш тушганда ёрдам қўлин узатиш, йиқилганни суяб турғазиш, бири-бирига меҳрибонлик, одамгарчилик кўрсатиш социалистик турмуш тарзимизга хос, совет кишиларининг олижаноб фазилатларидандир. Ўн бир фарзандининг онаси — Қаҳрамон она Муяссар ая ва унинг турмуш ўртоғи Умид ака Турдиевлар уруш йили эстон фарзандини ўз бағриларига олишди. Боқиб тарбиялашди. Маълум бўлишича, ўша — 1941 йилнинг ёз кунларида ўн бир ёшли Леонхард олти ёшли укаси Волдемар билан Псков областининг Парховский районидаги «Полонос» совхозида яшаётган тоғаси Рихард Козингнинг уйида ёзги каникулни ўтказишаётганди. Сал ўтмай уруш бошланди. Болаларни шошилинч равишда поездга ўтказиб эвакуация қилишди. Шулар орасида ака-ука Лауклар ҳам бор эди. Бироқ, фашист самолётлари болалар чиққан поездни бомбардимон қилди. Вагонлар агдар-тўнтар бўлиб кетди. Болаларнинг кўпчилиги ҳалок бўлди, тасодиф туфайли омон қолганларини эса маҳаллий аҳоли ўрмонларга яширишди. Транспорт ташкил қилиб уларни Ўзбекистонга жўнатишди. Ана шу воқеадан хабар топган Муяссар ая ва комсомол қиз Тўхтаой Жумаевалар Эстониянинг Тарту шаҳар, Сабла кўчасидаги 9-уйда яшовчи Леонтина Густовнадан келган телеграммани олишгач, эстон ўғлининг ота-онаси кимлигини аниқлашда Дзержинский номли мактаб коллективидан ёрдам сўрашди. Туроб Аслонов, Толиб Шодиев, Сайфиддин Ҳайдаров синфдошлари ўқитувчилар уларга кўмаклашишди. Умид акалар оиласида тарбияланиб вояга етган Луна аслида ўша Леонхард бўлиб, Леонтина Лаукнинг ўғли бўлиб чиқди. Ўзбеклар хонадонида камол топган эстон ўғлони қалби меҳрга тўла кишилар ёрдамида онаизори билан учрашди. Кекса она Леонтина Лаук фарзандини бағрига босаркан, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган Муяссар аяга қалбидаги энг эзгу сўзларини қандай билдиришни билолмасди. Унинг кўзларидан севинч ёшлари оқарди. Муяссар ая ҳам шод. Ўз ўғлидай бўлиб қолган Лунани Эстонияга кузатар экан, фақат «Омон бўл, ўғлим, сен соғ бўлсанг кифоя!» — дея олди холос.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

СУВ ТЎПИ:

МУНОСИБ ҲИССА

Эквадорнинг Гуаякиль шаҳрида сув спорти турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати охирлаб қолди. Сув тўпи усталари мусобақаларни якунлашди. Совет ватерполчилари учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мухлисларни мамнун этдилар. Ҳал қилувчи ўйинлар СССР, Венгрия, ГФР ва Голландия командалари ўртасида давом этди. Совет ватерполчилари Голландия (7:5) ўйинчиларидан устун келиб, Венгрия (7:7) командаси билан очколарни баҳам кўришди. Шундай қилиб, совет терма командаси муддатидан илгари жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Терма команда составида иккинчи марта жаҳон чемпионлиги учун курашган Москва олимпиадасининг чемпиони, тошкентлик Эркин Шагаев умумғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Эркин ҳам командадошлари қатори чемпионлик олтин медалини қўлга киритди.

БОКС:

ЧЕМПИОННИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Донецк шаҳрида бир неча кун давом этган СССР чемпионати якунланди. Мусобақада фарғоналик боксчи Сергей Васильенко учрашувларни муваффақиятли ўтказди. У чорак финалда магаданлик И. Турбасовдан устун келиб, ярим финалда С. Лукошинни маглубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсни чебоксарлик В. Мельник билан ўтказган боксчимиз очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Шундай қилиб ўтган йилги чемпион Сергей Васильенко бу сафар кумуш медали совриндори бўлди.

Редактор
М. КОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.20 Ҳужжатли фильм. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 17.15 — Болалар учун фильм. 17.35 — Концерт. 18.15 — Кинопрограмма. 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Кувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 20.25 — Қиргоқлар. Бадиий фильм 5-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Концерт. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Театр ҳақида ҳикоялар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Қадрдон чўллар. Бадиий фильм. 10.45 — Олтин алақча. Мусиқали эртак. 11.15 — Мультфильмлар. 11.45 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 12.15 — А. Пластов ижоди. 12.45 — Веснухин фантазиялари. Болалар учун фильм. 1-серия. 13.50 — Севимли шеърлар. 14.20 — Ҳужжатли фильм. 15.10 — Концерт. 15.55 — Француз тили. 16.25 — Концерт. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Жасорат. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Спорт ҳафталиги. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Мусиқали программа. 21.30 — Время. 22.05 — Узоқ бахтли ҳаёт. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Бирга бўлсак ҳаммамиз. 18.55 — КПСС Марказий Комитети май (1982 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қизлар гулдастаси. Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Икки миллион тонна «каҳрабо дон» учун. 22.20 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 2-серия. 24.00 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Қудуқ олдида. Бадиий фильм. 19.05 — Реклама. 19.20 — Балет шинавандаларига. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эртага — премьера. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — «Анор» ансамблининг концерти. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Назармат. «Қуёш гули» поэмасидан парчалар. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.15 — Сайқал радиопрограммаси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-98-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03060. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 183. 6